

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2023 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Б.Сайфуллаевнинг раислигида, ҳайъат аъзолари И.Таджиев ва Р.Сагатовдан иборат таркибда, З.Қодировнинг котиблигида, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган Андижон вилоят судининг ходими Ғ.Амиркулов, аризачи вакиллари У.Султанов (2023 йил 4 январдаги 20-05/25-сонли ишончнома асосида), М.Носиров, қарздор вакиллари Г.Қосимова (рахбар), М.Қодирова ва Т.Маматов (2023 йил 30 ноябрдаги 01/05-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, кредитор “Асакабанк” акциядорлик жамиятининг қарздор “АСАКА УЛГУРҶИ САВДО ВАЗАСИ” масъулияти чекланган жамиятини тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 сентябрдаги қарори устидан кредитор “Асакабанк” акциядорлик жамияти томонидан берилган кассация шикоятни асосида ишни Олий суднинг биносида бўлиб ўтган видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“Асакабанк” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда кредитор ёки банк деб юритилади) Асака туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, “АСАКА УЛГУРҶИ САВДО ВАЗАСИ” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни умумий тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Асака туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 25 майдаги ажрими билан ариза иш юритишга қабул қилиниб, кузатув таомили жорий этилган ва муваққат бошқарувчи этиб Олимов Баходир Одилжанович тайинланган.

Асака туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан кредиторнинг аризаси қаноатлантирилиб, қарздор умумий тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 сентябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, кредиторнинг аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш юзасидан қабул қилинган Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 сентябрдаги қароридан норози бўлиб,



кредитор Олий судга кассация шикоятни билан мурожаат қилган ва унда Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 сентябрдаги қарорини бекор қилиб, Асака туманлараро иқтисодий судининг 25 июлдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган. Бунга асос қилиб, шикоятда жавобгарнинг 2023 йил 9 октябрдаги банк олдидаги қарздорлиги 10 343 093 944 сўмни ташкил қилганлиги, қарздор банк олдидаги асосий пул тўлаш мажбуриятини 763 кундан буён бажаришга қодир эмаслиги уни тўловга қобилиятсиз деб эътироф этиш ҳақида ариза билан иш қўзғатишга асос бўлганлиги, жавобгарнинг кредиторлар йиғилиши баённомасига асосан қарздорнинг мажбуриятлари уни активлари қийматидан ошиб кетганлиги ва қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)да тўловга қобилиятсизлик таомилларидан бирини қўллашда, яъни қарздорни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатиш ишларини бошлаш учун кредит таъминоти бўйича барча ундириш чораларини кўриш лозимлиги ҳақида талаб қўйилмаганлиги, апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 28 сентябрдаги қароридан келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан, яъни низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги боис, аризани қайтариш лозимлиги тўғрисидаги асослантириш амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаганлигини кўрсатган.

Суд мажлисида аризачи вакили кассация шикоятидаги важларни такрорлаб уни қаноатлантиришни, суд ҳужжатларини бекор қилиб аризани кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўради.

Суд мажлисида қарздор вакили кассация шикоятига эътироз билдириб уни қаноатлантиришни рад этишни, суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборишни лозим топади.

ИПК 13-моддасининг биринчи қисмига асосан суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Қонун 5-моддасининг биринчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик - агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини



бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик - агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Қонун 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга.

Аризачи қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризасига қарздорнинг қарзи мавжудлиги ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида Урганч туманлараро иқтисодий судининг 4-1702-2201/127-сонли иш бўйича 2022 йил 23 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарорини илова қилиб, ушбу суд ҳужжати билан қарздордан аризачи фойдасига 587 500 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва суд харажатлари ундирилганлиги, суднинг ҳал қилув қарори асосида 2022 йил 23 июлда берилган ижро варақаси Мажбурий ижро бюросининг Асака туман бўлимига юборилганлиги ва 70322025041-сонли ижро иши кўзғатилганлигини кўрсатган.

Қонуннинг 142-моддасига асосан суд қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Қонуннинг 111-моддасига биноан ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий қилиш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди.

Қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди кредиторлар йиғилишининг 2023 йил 5 июлдаги қарори асосида тугатиш бошқарувчилигига Б.Олимов номзоди тақдим этилганлигини инобатга олиб, иккинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган Б.Олимов тугатиш бошқарувчи этиб тайинланган.

Қарздорда тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжудлиги ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланади.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 52-моддасида тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилиниши белгиланган.

Қонуннинг 140-моддасига асосан тугатишга доир иш юритишни бошлаш суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади. Шу боис, биринчи инстанция суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида асосли тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси суди эса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан кредит қарзини ундириш бўйича ижро ҳаракатлари яқунланмаганлиги ва кафилдан кафиллик шартномаси бўйича қарзни ундириш чораси кўрилмаганлигини асос



қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган. Яъни, ижро ҳаракати яқунланмаганлиги ёки қарздорликни кафилдан ундириш чоралари кўрилмаганлиги учун ариза кўрмасдан қолдирилиши Қонунда қарздорга нисбатан банкротлик аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда белгиланмаган.

ИПК 301-моддасининг 3-бандида кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида ва тўртинчи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга, ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни кўриш учун Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборишни лозим топади. ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари қарздор зиммасига юклатилади. Қарздордан Олий суднинг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 82 500 сўм суд харажатлари ундирилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 301, 303 ва 305-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

“Асакабанк” акциядорлик жамиятининг кассация шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 28 сентябрдаги қарори бекор қилинсин.

Иш апелляция инстанцияси судида кўриш учун Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборилсин.

“ASAKA ULGURJI SAVDO BAZASI” масъулияти чекланган жамиятидан Олий суднинг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 82 500 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи:

Б. Сайфуллаев

ҳайъат аъзолари:

И. Таджиев

Р. Сағатов

